“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
1-сонли

БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

2026 йил 25 июнь ***Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри,***
соат 11-00 ***Мустақиллик кўчаси, 2а-уй***

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 623 659 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,81 фоиз.**

Қатнашдилар:
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги номидан 25.06.2026 йил 02/9.2-17.1/330-сонли ишончномага асосан вакил Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Б.Фарманов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);
Таклиф этилганлар:
Жамият Бошқарув раиси, бошқарув раисининг хусусийлаштириш, рақамлаштириш ва махаллийлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, бошқарув раисининг молия ишлари бўйича ўринбосари, бош ҳисобчи.
“PRIME AUDIT ADVISORS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори И.Равшанов.

ЭШИТИЛДИ:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб вакил Б.Фармановни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Б.Фарманов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини этиб “Кварц” АЖ мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси - Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг Саноқ комиссиясини қуйидаги таркибда:
1. З.Бурханов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. Д.Исроилова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси;
3. Е.Ковзел - “Кварц” АЖ девонхона бошлиғи,

таклиф этилди.

“KVARTS” AJ
ASLIGA TO’G’RI
IMZO

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурханов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. Д.Исроилова - “Кварц” АЖ ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси;
3. Е.Ковзел - “Кварц” АЖ девонхона бошлиғи.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

9. “Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги 9-масала юзасидан *(“Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.)* йиғилиш раиси сўзга чиқиб, ҳозирги кунда Кузатув кенгаши аъзоси И.Х.Пинёзов Давлат активларини бошқариш агентлигида ишламаётганлигини инобатга олиб, унинг ваколатини муддатидан олдин тугатишни, тугатиш натижасида юзага келган бўш ўринни “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг Кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов ўтказилиши, танлов натижалари кейинги акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу таклифни тасдиқлаш бўйича овоз беришлари жамият акциядорларидан сўралди.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

9. “Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Овоз бердилар: 86 623 659 овоз, тарафдорлар – 86 623 659 овоз, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.

Кузатув кенгаши аъзоси И.Х.Пинёзовнинг ваколати муддатидан олдин тугатилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси _____ **Б.Б.Фарманов**

Йиғилиш котиби _____ **Ғ. Мамаджонов**

Баённома имзоланган санаси
«02» 07 2026 й.

“KVARTS” AJ
ASLIGA TO’G’RI
IMZO